# XALQ DEPUTATLARI G'ALLAOROL TUMANI KENGASHI
# QARORI

2022 - yil 31 - dekabr VI-50-261-3-45-K/22 G'allaorol tumani hokimligi

**Ғаллаорол туманининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш**

**тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6- ва 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 декабрдаги "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-811-сонли Қонунига мувофиқ ҳамда Жиззах вилоят Молия бош бошқармасининг 2022 йил30 декабрдаги 01-20-08-01-33/164-сонли хатини инобатга олиб, Халқ депутатлари туман Кенгаши

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 декабрдаги "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-811-сонли Қонуни ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 декабрдаги "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-811-сонли Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ Ғаллаорол туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун даромадлари 105 952 421,0 минг.сўм, республика бюджетидан ўтказиб бериладиган даромадлар 29 335 774,0 минг.сўм, харажатлари 250 328 539,0 минг.сўм прогноз қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 115 040 344,0 минг.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2023 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2023 йил учун туман бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2023 йил учун умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёри 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2023 йил учун туман маҳаллий бюджетининг даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажмлари ҳамда вилоят бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ўтказиладиган тартибга солувчи трансферт миқдори 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2023 йил учун туман маҳаллий бюджети захира жамғармаси ҳажми 2 361 590,0 минг.сўм миқдорида белгилансин.

Туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун захира жамғармаси тегишли бюджет тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи (*Фуқаролар ташаббуси жамғармаси ва туман ҳокимининг захира жамғармаси маблағларидан ташқари қисмидан*) миқдорида шакллантирилсин.

8. 2023 йил учун туман маҳаллий бюджети шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 5-иловага мувофиқ белгилансин.

9. 2023 йил маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан фуқаролар ташаббуси жамғармасига ўтказиладиган маблағ миқдори 6-иловага мувофиқ белгилансин.

10. Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 7-иловага ҳамда жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 $м^2$ учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 8-иловага мувофиқ белгилансин.

11. 2023 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадларининг ўзига хос хусусиятлари.

а) Қуйидаги солиқ турлари туман маҳаллий бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилиши маълумот учун қабул қилинсин:

- Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
  - Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;
  - Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
  - Ер қаридан фойдаланганлик учун (норуда) солиғи;
  - Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
  - Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;
  - Давлат мулки бўйича ижара тўловлари;
  - Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ;

б) Қуйидаги солиқ турлари туман маҳаллий бюджетидан вилоят бюджетига белгиланган миқдорларда ўтказиб берилиши маълумот учун қабул қилинсин:

- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
  - Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

- Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

12. Мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2022 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

13. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Қўчқоров), Молия бўлими мудири (М.Турдимуродов), Давлат солиқ инспекцияси (Н.Мамаев) ва масъул муассасалар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджети прогноз кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажариш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

туман маҳаллий бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

14. Туман давлат солиқ инспекцияси (Н.Мамаев) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратсинлар.

хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш вазифаси юклатилсин.

15. Туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Т.Қўчқоров), туман Давлат солиқ инспекцияси (Н.Мамаев), Кадастр агентлиги туман бўлими (Б.Салимов) 2022 йилдан бошлаб юридик шаслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 $м^2$ учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, вилоятда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин ва ушбу солиқ тури ундирилиши борасидаги ўзгаришлар тадбиркорлик субъектларига иқтисодий жиҳатдан қандай таъсир этиши юзасидан доимий мониторинг ўрнатиб, Халқ депутутлари туман сессиясига ахборот киритиб борсин.

16. Кенгашнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга ва натижалари бўйича тавсиялар беришга, мониторинг қилишга;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этиш ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

17. Туман ҳокимлиги:

Туман маҳаллий бюджети жами харажатининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, туман Халқ депутатлари, Ёшлар ишлар агентлиги, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари, бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масъул этиб белгилансин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек, қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимлик расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилсин.

18. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Қўчқоров), Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти, тегишли ташкилотлар бошлиқлари:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга ҳар чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

19. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

20. Мазкур қарор “Ғаллаорол овози” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

21. Ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

22. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва туман ҳокимининг 1-ўринбосари зиммасига юклатилсин.

**Tuman hokimi** **Ж.Оқбоев**

Xalq deputatlari G‘allaorol
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-50-261-3-45-K/22-son
qaroriga
1-ilova

# Ғаллаорол тумани маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2023 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

*минг.сўмда*

| Т/Р | Даромад турлари | Жами даромадлар (Контенгент) | Туман маҳаллий бюджетига ажратмалар фоизда | Шу жумладан тақсимланиши | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Туман бюджетига | Вилоят бюджетига |
| **I** | **Даромадлар жами** | **190 078 641,0** | **X** | **105 952 421,0** | **84 126 220,0** |
| 1 | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | 10 376 823,0 | 100,0 | 10 376 823,0 | 0,0 |
| 2 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 61 580 858,0 | 60,0 | 36 948 515,0 | 24 632 343,0 |
| 3 | Акциз солиғи, жами | 20 321 908,0 | 100,0 | 20 321 908,0 | 0,0 |
| | *шу жумладан:* | | | | |
| | *- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ* | 20 321 908,0 | 100,0 | 20 321 908,0 | 0,0 |
| 4 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 10 663 687,0 | 20,0 | 2 132 737,0 | 8 530 950,0 |
| 5 | Юридик шахслар ер солиғи | 17 361 979,0 | 20,0 | 3 472 396,0 | 13 889 583,0 |
| 6 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 2 611 653,0 | 100,0 | 2 611 653,0 | 0,0 |
| 7 | Ягона солиқ тўлови | 8 295 719,0 | 0,0 | 0,0 | 8 295 719,0 |
| 8 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД) | 1 100 000,0 | 100,0 | 1 100 000,0 | 0,0 |
| 9 | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи | 21 260 000,0 | 100,0 | 21 260 000,0 | 0,0 |
| 10 | Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда | 1 954 389,0 | 100,0 | 1 954 389,0 | 0,0 |
| 11 | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 5 500 000,0 | 100,0 | 5 500 000,0 | 0,0 |
| 12 | Йиғимлар | 888 720,0 | 0,0 | 0,0 | 888 720,0 |
| 13 | Давлат божи | 5 657 858,0 | 0,0 | 0,0 | 5 657 858,0 |
| 14 | Жарималар | 21 719 047,0 | 0,0 | 0,0 | 21 719 047,0 |
| 15 | Давлат мулки бўйича ижара тўловлари | 274 000,0 | 100,0 | 274 000,0 | 0,0 |
| 16 | Давлат унитар корхоналари соф фойдасидан ажратмалар | 12 000,0 | 0,0 | 0,0 | 12 000,0 |
| 17 | Хусусийлаштиршдан тушум | 500 000,0 | 0,0 | 0,0 | 500 000,0 |

Xalq deputatlari G‘allaorol
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-50-261-3-45-K/22-son
qaroriga
2-ilova

## 2023 йил учун Ғаллаорол тумани бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари

*минг.сўмда*

| № | Кўрсаткичлар | 2023 йил |
|---|---|---|
| **Ғаллаорол туман бўйича харажатлари миқдори, Жами** | | **250 328 539,0** |
| **1** | Туман Мактабгача таълим бўлими | 11 831 509,0 |
| **2** | Туман халқ таълими бўлими | 13 835 980,0 |
| **3** | Туман Соғлиқни сақлаш тизимидаги ташкилотлар | 82 883 459,0 |
| **4** | Туман Маданият бўлими | 3 958 341,0 |
| | *шундан* | |
| | 15-сон мусика ва санъат мактаби | 2 725 209,0 |
| **5** | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ташкилотлари | 1 623 526,0 |
| **6** | Туман ирригация бўлими | 1 515 025,0 |
| **7** | Туман фермер, дехкон, хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши | 1 383 767,0 |
| **8** | Туман ободонлаштириш бошқармаси | **16 586 516,0** |
| | *шундан* | |
| | Йўлларини сақлаш ва эксплуатация харажатлари | 3 000 000,0 |
| **9** | Туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими | 6 306 507,0 |
| **10** | Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими | 483 406,0 |
| **11** | Туман Бандликка кўмаклашиш маркази | 841 127,0 |
| **12** | Туман ҳокимлиги Молия бўлими | 1 609 864,0 |
| **13** | Туман махалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими | 3 765 207,0 |
| **14** | Халқ депутатлари туман кенгаши котибияти | 227 197,0 |
| **15** | Оила ва хотин қизлар бўлими | 2 581 478,0 |
| **16** | Ёшлар ишлари агентлиги | 3 326 037,0 |
| **17** | Президент администрацияси ҳудудий ташкилотлари | **543 005,0** |
| | *шундан* | |
| | Туман Халқ қабулхонаси | 123 076,0 |
| | Ахборот кутубхона маркази | 419 929,0 |
| **18** | Туман ҳокимлиги жами | **97 026 588,0** |
| | *Шундан* | |

| | | |
|---|---|---|
| | Туман ҳокимининг захира жамғармаси | 2 361 590,0 |
| | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | 11 807 950,0 |
| | Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун | 1 393 792,0 |
| | Ижтимоий нафакалар | 75 428 552,0 |

Xalq deputatlari G‘allaorol tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-50-261-3-45-K/22-son qaroriga
3-ilova

## 2023 йил учун умумдавлат солиқларидан Ғаллаорол туман маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

*фоиз ҳисобида*

| Т/Р | Шахар ва туманлар номи | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (қатий белгиланган солиқ) | Жисмоний шахслар ер солиғи | Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи | Ижара тўлови | Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ | Юридик шахслар ер солиғи | Сув ресурслари-дан фойдалан-ганлик учун солиқ | Ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда) | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ғаллаорол тумани | 60 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 20 | 100 | 100 | 20 |

Xalq deputatlari G‘allaorol tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-50-261-3-45-K/22-son qaroriga
4-ilova

# Ғаллаорол туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

*минг сўмда*

| **Ҳудуд номи** | **Жами даромадлар** | **шундан** | | | **Маҳаллий бюджет харажатлари** |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **Маҳаллий бюджет даромадлар** | **Ўтказиб бериладиган даромад (Акциз мобиль, тамаки ва алкоголь)** | **Тартибга солувчи трансферт миқдори** | |
| Ғаллаорол тумани | 250 328 539,0 | 105 952 421,0 | 29 335 774,0 | 115 040 344,0 | 250 328 539,0 |

Xalq deputatlari G‘allaorol
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-50-261-3-45-K/22-son
qaroriga
5-ilova

## 2023 йил учун Ғаллаорол туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

*минг сўмда*

| **Т/р** | **Ҳудуд номи** | **Миқдор** |
|---|---|---|
| 1 | Ғаллаорол тумани | **745 000,0** |

Xalq deputatlari G‘allaorol
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-50-261-3-45-K/22-son
qaroriga
6-ilova

## Ғаллаорол туман маҳаллий бюджетидан 2023 йил учун «Фуқаролар ташаббуси жамғармаси»га ажратилган маблағ миқдори

*минг сўмда*

| **Т/р** | **Ҳудуд номи** | **Миқдор** |
|---|---|---|
| 1 | Ғаллаорол тумани | **11 807 950,0** |

Xalq deputatlari G‘allaorol
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-50-261-3-45-K/22-son
qaroriga
7-ilova

**2023 йил учун туманда қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар**

**учун юридик шахслар ўйича мутлоқ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар**

*минг сўмда*

| Т/Р | ҚФЙ ва МФЙ лари номи | 2023 йил | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2023 йил солиқ ставкаси Солиқ кодексига асосан | Халқ депутатлари вилояти кенгашининг қарорига асосан қўлланилган коэффициент | 2023 йил солиқ ставкаси | Халқ депутатлари туман кенгаши қарорига асосан қўлланилган коэффициент | 2023 йил солиқ ставкаси |
| 1 | Аламли МФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 1,1 | 39 424,0 |
| 2 | Бахт МФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 1,1 | 39 424,0 |
| 3 | Ғ.Ғулом МФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 1,1 | 39 424,0 |
| 4 | Дўстлик МФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 1,1 | 39 424,0 |
| 5 | Олимлар МФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 1,1 | 39 424,0 |
| 6 | Самарқанд МФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 1,1 | 39 424,0 |
| 7 | Булоқбоши ҚФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 0,7 | 25 088,0 |
| 8 | Узунбулоқ МФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 0,7 | 25 088,0 |
| 9 | Ғўбдин ҚФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 0,7 | 25 088,0 |
| 10 | Гулистон ҚФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 0,9 | 32 256,0 |
| 11 | Гулчамбар ҚФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 0,7 | 25 088,0 |
| 12 | Жийдали ҚФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 0,7 | 25 088,0 |
| 13 | Қашқабулоқ МФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 0,9 | 32 256,0 |
| 14 | Қипчоқсув ҚФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 0,7 | 25 088,0 |
| 15 | Нахроч МФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 0,7 | 25 088,0 |
| 16 | Коризқудуқ ҚФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 0,7 | 25 088,0 |
| 17 | Қўйтош ШФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 0,7 | 25 088,0 |
| 18 | Кўкбулоқ ҚФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 0,7 | 25 088,0 |
| 19 | Кўкгумбаз МФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 1,0 | 35 840,0 |
| 20 | Лалмикор МФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 1,0 | 35 840,0 |
| 21 | Ўзбекистон МФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 1,0 | 35 840,0 |
| 22 | Маданият ҚФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 1,0 | 35 840,0 |
| 23 | Қангли МФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 1,0 | 35 840,0 |
| 24 | Маржонбулоқ ШФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 1,0 | 35 840,0 |
| 25 | Яшнобод МФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 1,0 | 35 840,0 |
| 26 | Мирзабулоқ ҚФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 1,1 | 39 424,0 |
| 27 | Нурафшон ҚФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 1,1 | 39 424,0 |
| 28 | Молтоб ҚФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 0,7 | 25 088,0 |
| 29 | Мулкуш ҚФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 1,1 | 39 424,0 |
| 30 | Оқтом МФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 0,9 | 32 256,0 |
| 31 | Оқтош МФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 0,7 | 25 088,0 |
| 32 | Саврук МФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 0,7 | 25 088,0 |
| 33 | Сарбозор МФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 1,1 | 39 424,0 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 34 | Тозауруғ ҚФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 0,9 | 32 256,0 |
| 35 | Хонимқўрғон ҚФЙ | 32000,0 | 1,12 | 35 840,0 | 0,9 | 32 256,0 |

Xalq deputatlari G‘allaorol
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-50-261-3-45-K/22-son
qaroriga
8-ilova

**2023 йил учун туманда жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар**

*сўмда*

| Т/Р | ҚФЙ ва МФЙ лар номи | 2023 йил | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2023 йил солиқ ставкаси Солиқ кодексига асосан | Халқ депутатлари вилояти кенгашининг қарорига асосан қўлланилган коэффициент | 2023 йил солиқ ставкаси | Халқ депутатлари туман кенгаши қарорига асосан қўлланилган коэффициент | 2023 йил солиқ ставкаси |
| 1 | Аламли МФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,95 | 307,02 |
| 2 | Бахт МФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,95 | 307,02 |
| 3 | Ғ.Ғулом МФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,95 | 307,02 |
| 4 | Дўстлик МФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,95 | 307,02 |
| 5 | Олимлар МФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,95 | 307,02 |
| 6 | Самарқанд МФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,95 | 307,02 |
| 7 | Булоқбоши ҚФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,80 | 258,54 |
| 8 | Узунбулоқ МФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,80 | 258,54 |
| 9 | Ғўбдин ҚФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,70 | 226,23 |
| 10 | Гулистон ҚФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,96 | 310,25 |
| 11 | Гулчамбар ҚФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,70 | 226,23 |
| 12 | Жийдали ҚФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,70 | 226,23 |
| 13 | Қашқабулоқ МФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,95 | 307,02 |
| 14 | Қипчоқсув ҚФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,70 | 226,23 |
| 15 | Нахроч МФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,70 | 226,23 |
| 16 | Коризқудуқ ҚФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,70 | 226,23 |
| 17 | Қўйтош ШФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,75 | 242,39 |
| 18 | Кўкбулоқ ҚФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,70 | 226,23 |
| 19 | Кўкгумбаз МФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,95 | 307,02 |
| 20 | Лалмикор МФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,95 | 307,02 |
| 21 | Ўзбекистон МФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,95 | 307,02 |
| 22 | Маданият ҚФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 1,00 | 323,18 |
| 23 | Қангли МФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 1,00 | 323,18 |
| 24 | Маржонбулоқ ШФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,95 | 307,02 |
| 25 | Яшнаобод МФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,95 | 307,02 |
| 26 | Мирзабулоқ ҚФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 1,01 | 326,41 |
| 27 | Нурафшон ҚФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 1,01 | 326,41 |
| 28 | Молтоб ҚФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,76 | 245,62 |
| 29 | Мулкуш ҚФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 1,05 | 339,34 |
| 30 | Оқтом МФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 1,05 | 339,34 |
| 31 | Оқтош МФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,70 | 226,23 |
| 32 | Саврук МФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,70 | 226,23 |
| 33 | Сарбозор МФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 1,10 | 355,50 |
| 34 | Тозауруғ ҚФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,95 | 307,02 |
| 35 | Хонимқўрғон ҚФЙ | 286 | 1,13 | 323,18 | 0,95 | 307,02 |